

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 18 декабрь, № 247 (5921) Чоршанба

# МАЛАКА ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

*Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келаётганини, жамиятимизда мустаҳкам ўрин олаётгани ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланаётганини алоҳида қайд этди.*



## 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Бинобарин, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳаётга татбиқ этилган тараққиётнинг "ўзбек модели" мазмун-моҳиятида ҳам ҳар томонлама баркамол, интеллектуал жиҳатдан етук авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам эди. Бугунги кунда ана шу йўналишда ташкилий-ҳуқуқий пойдевор шакллантирилгани қувончли самараларини бераяпти. Жорий йилда юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш учун 970 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқларда ташкил этилгани, муҳими, касб-ҳунар коллежларини битирган 500 мингдан зиёд йигит-қизларимиз ишга жойлаштирилаётгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Айни пайтда янги иш жойларини яратиш, ёшларни давр талаблари асосида касб-ҳунарга тайёрлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Айниқса, тегишли давлат дастурлари асосида касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли қатламлари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, мамлакатимизда янги-янги корхоналар очилаяпти, ишбилармонликни янада равнақ топтириш учун қатор енгилликлар, қулайликлар, имтиёзлар тақдим этилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти.

(Давоми 2-бетда).







# хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Жалолқудуқ туманидаги "SPZ-Bearings" қўшма корхонаси яқинда Тошкентда бўлиб ўтган VII халқаро савдо ярмаркаси ва Кооперация биржасида маҳаллий ҳамда хорижий ҳамкорлар билан 3 миллиард сўмлик шартнома имзолашга муваффақ бўлди.*

### Сифат ва самарадорлик

Бу корхонада маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганининг амалий самарасидир.

Ҳозир "SPZ-Bearings"да юқори босимга чидамли подшипниклар тайёрланаяпти. Ўтган йилдан бошлаб бу ерда ISO 9001-2008 халқаро сифат стандарти тизими жорий қилинди.

— Яқинда мураккаб технологиялар асосида янги турдаги подшипниклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона бош муҳандиси Расулжон Ортиқов. — Бундай маҳсулотлар дунёнинг саноқли давлатларидагина тайёрланади. Бу эса экспорт имкониятларимизни янада кенгайтирмоқда.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Бухорода "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.*

### Тадбиркорларга кўмак

Бир қатор тижорат банклари ҳамда "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда миллий ҳунармандчиликни янада равнақ топтириш истиқболлари ҳақида сўз борди. Унинг доирасида 18 нафар ҳунармандга умумий миқдорда 95 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Бундан олдинроқ ўтказилган худди шундай тадбир натижасида 24 нафар ҳунармандга 147 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилган, пировардида 28 та қўшимча иш ўрни яратилган эди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Нурота туманидаги "Фаридбек Зафарбек" хусусий корхонасида мармар плиталар тайёрлаш ўзлаштирилди.*

### Дастлабки маҳсулот — экспортга

Бунинг учун 200 миллион сўм эвазига илғор дастгоҳлар харид қилинди. Айни пайтда корхонанинг рақобатбардош қурилиш маҳсулотлари экспорт қилинаяпти.

— Ойига бир минг икки юз квадрат метр ҳажмдаги мармар плиталар ишлаб чиқараяпмиз, — дейди корхона раҳбари Муслим Жиянов. — Яқинда чет эллик ҳамкорларимиз билан 60 минг АҚШ долларига тенг шартнома имзоладик. Ҳозир экспорт ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Энг намунали касаба уюшмалари аниқланди

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Энг намунали бошланғич ташкилот" республика танловининг якуний босқичи ўтказилди.*

## ТАНЛОВ

Унда вазирликлар, иш берувчилар ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, касаба уюшмалари иштирокида имзоланган жамоат шартномалари ҳамда келишувларида белгиланган имтиёзлардан 2011 — 2012 йиллар ва шу йилнинг 9 ойи мобайнида 101 минг нафардан ортиқ фуқаро ҳамда 260 мингдан зиёд оилалар фойдаланди, яъни улар 112,2 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак олди. Сўнгги 2 йилда корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган ҳамда касб-ҳунар коллежларини имтиёзли диплом билан тугаллаган 59 минг 525 нафар ёшга бошланғич ташкилотлар маблағлари ҳисобидан жами 1 миллиард 83 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Айтиш керакки, Федерация Кенгаши томонидан ҳар икки йилда анъанавий ўтказиб келинаётган "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танлови айнан бошланғич ташкилотлар етакчилари масъулиятини ошириш, уларнинг замон билан ҳамнафас қадам ташлашларига эришиш, шу орқали ходимлар оғирини енгил қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида қулай меҳнат шароити яратиш борасидаги фаолиятини янада кучайтиришга қаратилгани билан ўзига хос аҳамиятга эга. Бу йилги танловнинг ҳудудий босқичларида 1700 га яқин бошланғич ташкилотлар қатнашди. Ҳудудлар миқёсида ғолиб бўлган 20 та жамоа республика босқичида ўзаро баҳс олиб борди.

(Давоми 2-бетда).

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Урганч шаҳрида "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Замонавий маҳалла" меъморчилик-режалаштириш намунавий схемаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш масаласига бағишланган республика ўқув-амалий семинари ўтказилди.*

# МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

Унда вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари, архитекторлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари қатнашди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг ўтган йил октябрь ойида Хоразмга ташрифидан кейин вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган тўртта муҳим қарори қабул қилинди. Айни чоғда мазкур қарорлар асосида Урганч шаҳридаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини, ҳудудда саноат, қишлоқ хўжалиги ва сайёҳлик соҳаларини тараққий эттиришга йўналтирилган, умумий қиймати 3 триллион сўмга тенг бўлган 2200 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш ишлари изчил олиб борилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида 344 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш юмушлари бажарилди. Бунда асосий эътибор аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилмоқда. Кўп қаватли уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлашга тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини йўналтириш тизими жорий этилди.

Ҳозир Урганч шаҳрида 10 та фуқаролар йиғинини замонавий маҳаллага айлантириш бўйича қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Масалан, шаҳардаги Тозабоғ маҳалласида кенг кўламли бунёдкорлик ва қурилиш ишлари рўёбга чиқарилди. Бу ерда 3 та футбол майдони, болалар майдончаси, япон тош боғлари, 2 та бадминтон майдончаси барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).

*Мамлакатимизга ташриф буюрган "Болгария — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи раиси Пенко Атанасов раҳбарлигидаги Болгария парламент делегацияси 17 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида учрашувлар ўтказди.*

# БОЛГАРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқотлар чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кўплаб соҳаларда, жумладан, парламентаризм йўналишида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти, парламентаризм соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тўғрисида маълумот берилди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қонунчилик тизимини такомиллаштириш, замон талаблари ва демократия тамойилларига мос янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда муҳим дастурил-амал бўлаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Болгариянинг ўзаро муносабатлари икки томонлама солиққа тортилишнинг олдини олиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, сайёҳлик соҳасида ҳамкорликка доир ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган кўплаб ҳужжатларга асосланади.

Икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Учрашувларда мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда, — деди Пенко Атанасов. — Болгария Ўзбекистон билан барча жабҳаларда, жумладан, парламентаризм, савдо, иқтисодиёт, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

## СЕМИНАР

*Кеча пойтахтимизда "Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш ва электрон ҳисобот" мавзуида семинар ўтказилди. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир қатор ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ҳамда бухгалтерлари қатнашган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан "Солиқ инфо" газетаси таҳририяти ҳамкорлигида ташкил этилди.*

# БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

### солиқ тўловчиларга кенг имконият ва қулай шароит яратмоқда

Семинарда таъкидланганидек, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий қилинаётгани вақтни тежаб, иш унумдорлигини оширмоқда. Айниқса, тадбиркорлик субъектларининг статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига ўтказилиши ортиқча оворагарчиликнинг олдини олиб, моддий ресурсларни иқтисод қилиш имконини бераётир. Тадбиркорлар ўртасида ҳисоботларни масофадан туриб, қоғозсиз тақдим этиш усули тобора оммалашиб бораётганининг боиси шунда.

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб юборди. Негаки, ушбу ҳужжатда 2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўлиқ ўтказилиши белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, Давлат солиқ қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ органларининг техник базаси такомиллаштирилиб, улар фаолиятининг барча босқичларида электрон ҳисоботларни автомат тарзда қабул қилиш ва ишлаш, шунингдек, солиқ тўловчилар билан алоқа ўрнатиш имконини берувчи дастурий мажмуалар, интерактив хизматлар жорий этилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**162** **миллиард доллардан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди.**

Бу сармоя пировардида минглаб замонавий корхоналар, юз минглаб уй-жойлар қурилиши, инфратузилма объектлари бунёд этилиши, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати муттасил ошиб бориши учун мустаҳкам замин яратди.

## СУРУР

*Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳаётга кенг татбиқ этилаётган таълимнинг миллий модели яхлит тизимга эгалиги, шахс, давлат, жамият, фан, ишлаб чиқариш каби ўта муҳим жиҳатларни қамраб олгани иқтисодий-ижтимоий модернизациялаш жараёнларида ўз самарасини бермоқда.*

# Таълим пойдевори

Айниқса, юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган алоҳида эътибор биз, мураббийларнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшаяпти. Ахир ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари учун яратилаётган шарт-шароитлардан ким хурсанд бўлмайди, дейсиз?

Маълумки, истиқлол йилларида республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Фан-техника ва технологиянинг замонавий ютуқлари негизида таълим дастурлари такомиллаштириб борилди. Хусусан, 2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида жойларда 351 янги мактаб биноси қурилган бўлса, 2470 тасида реконструкция ишлари олиб борилиб, 3608 таси капитал, 2072 таси жорий таъмирланди. Ушбу мақсадларга жами 1,4 трлн. сўм маблағ сарфланди.

Мазкур таълим муассасаларининг 6887 таси қишлоқ жойларига тўғри келган бўлса, улардан бири бизнинг мактабимиздир. Реконструкция қилинган ўқув даргоҳимизда барча қулайликларга эга спорт зали, физика, кимё, биология хоналари мавжуд. Улар замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Муҳими, бу ерда ўз касбининг фидойилари бўлмиш ўнлаб устоз-муаллимлар самарали фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, таълим масканимизда илғор технологиялар жорий этилган. Компьютерларнинг барчаси “Ziyonet” ахборот портали орқали интернетга уланган. Илгари ўқувчиларга фақат назарий билим берилган бўлса, бугунги кунда ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам виртуал усулда ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Президентимизнинг “Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак”, деган ғоясидан келиб чиқиб, дарсликларнинг янги авлоди яратилмоқда.

Бошланғич таълим умумий ўрта таълимнинг пойдеворидир. Пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, бино ҳам шунчалик пухта ҳисобланганидек, ўқувчиларнинг чуқур билимга эга бўлишлари ҳам муҳим. Лекин уни ёшларга қай тарзда сингдиришни билиш эса ундан ҳам муҳимроқдир. Ҳозирги глобаллашув даврида Ўзбекистонда таълим тизимида “Устоз — шогирд” анъанаси малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш борасида хизмат қилаётгани айни шу жиҳатдан диққатга сазовор.

Доноларнинг бир гапи бор: инсон ҳаёти унинг юраги неча марта ургани ва ўзи неча марта нафас олгани билан эмас, балки қувончли лаҳзалари сони билан ўлчанади. 1997 йили иккинчи даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланган эдим. Жорий йилда эса давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотландим. Ватанимизнинг бу олий нишони нафақат менга, балки бутун педагогик жамоамизга берилган, деб ҳисоблайман.

Шу йил 6 декабрь куни пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида “...миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни қуришда, юртимизни турли бало-қазолардан асрашда, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида энг асосий омиллар нима деб сўраса, мен, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил — бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан”, дея алоҳида таъкидладилар. Ана шундай авлоднинг таълим-тарбияси йўлида эса биз, педагоглар ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз. Зеро, бу ўз юртини севган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

**Озода АЛИМОВА,**
**Кармана туманидаги 1-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси.**

# МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда Урганч шаҳрида замонавий маҳаллани ташкил этиш бўйича тўпланган тажриба, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, профессионал бошқарув сервис компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик, маҳаллалар ҳамда улардаги объектларнинг ташқи қиёфасини яхшилаш, болалар спорт майдончаларини барпо этиш тартиби бўйича ишлаб чиқилган замонавий маҳалла бош режаси ҳақида ҳам тўлиқ маълумот берилди.

Семинар қатнашчилари Урганч шаҳридаги Тозабоғ маҳалласида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари, уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда намунали маҳалла фуқаролар йиғинларининг бу борадаги фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Иштирокчилар Урганч шаҳрида олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари ҳамда намунавий маҳаллалар ҳақидаги ўз таассуротларини ўртоқлашди.

**Жоникул МАЛЛАЕВ, Жиззах шаҳар “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Урганч шаҳридаги 10 та намунали маҳалланинг барчасида амалга оширилган ободончилик, улардаги маҳалла фаолларининг иш тажрибаси, аҳоли хонадонларида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик. Айниқса, Тозабоғ маҳалласидаги ободлик ва саранжом-саришталикка ҳавасимиз келди, шу ерда истиқомат қилаётган кишилар билан суҳбатлашдик ҳамда маҳалла фаолларининг ўзимиз учун фойдали бўлган иш тажрибасини ўргандик. Қаранг, бу маҳалла фаоллари ўзларининг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқибди. Унда маҳалла ҳаётининг барча қирраси қамраб олинган. Маҳалла ҳаёти фаровонлиги учун масъул бўлган барча ташкилотлардан — солиқ, ички ишлар, банк, соғлиқни сақлаш, санитария, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари каби давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари бириктирилибди. Ҳатто, маҳалланинг ўз агрономи бор. Албатта, ушбу тажрибани маҳалламизда жорий этишни кўнглимга тугиб қўйдим.

**Озод ШОДИЕВ, Навоий шаҳар бош архитектори:**

— Президентимизнинг қарорлари асосида вилоятда кенг ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари изчил амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, ал-Хоразмий кўчасида қад ростлаган кўп қаватли уйлар, унинг биринчи қаватидаги супермаркетлар ва хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли учун қулай қилиб қурилган. Бугунги ўқув-семинар бизга назарий ва амалий жиҳатдан манзур бўлди. Шахсан ўзим бир қатор шаҳарларнинг архитекторлари билан тажриба алмашдим. Семинар доирасида ташкил этилган кўргазмани томоша қилиб, фаолиятимизда қўл келадиган маълумотларни ён дафтаримга қайд этиб қўйдим.

**Қожабай ЭЛМУРАТОВ, “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси:**

— Хоразмда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида бу ерга илгари ҳам келгандим. Қисқа муддат ичида Урганч шаҳридаги маҳаллалар янги, гўзал қиёфа касб этганига гувоҳ бўлдим. Шаҳар ўртасидан кесиб ўтувчи Шовот канали қирғоқларида янгидан барпо этилган замонавий бинолар ва гулзорлар, дам олиш масканлари нафақат шаҳарликлар, балки меҳмонлару сайёҳларга ҳам манзур бўлаётганини кўриб, қувондик. Ўқув-амалий семинар жараёнида ана шу гўзалликни барпо этаётган қурувчилар, ирригаторлар билан суҳбатлашдик. Маҳаллаларда бўлдик. Фуқаролар йиғинлари раислари билан тажриба алмашдик.

**Мелихон МЎМИНОВА, Қўқон шаҳар “Етти ранг” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:**

— Биз семинарда қатнашиб, ҳақиқий маҳалла қандай бўлиши лозимлиги, унинг таркибидаги ҳар бир хизмат қандай ташкил қилиниши ҳақидаги назарий ва амалий билимларимизни мустаҳкамладик. Бизга маъқул бўлган жиҳатлардан энг асосийси, бу маҳалла ҳудудида яшаётган тадбиркорларнинг умумий ишга иштиёқ ва ташаббус билан қўшилганлари бўлди. Буни ўзимизда ҳам жорий этишга ҳаракат қиламиз.

Тадбир давомида иштирокчилар Урганч шаҳридаги “Ёшлар кўли”, халқаро аэропорт, темир йўл вокзали ҳамда ал-Хоразмий кўчасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, Шовот канали бўйида барпо этилган маиший, дам олиш ва спорт иншоотлари, “Марказий деҳқон бозори”да бажарилган таъмирлаш ишлари ҳамда “Туямўйин — Урганч” сув тозалаш иншооти фаолияти билан танишдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# МАЛАКА ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, касб-ҳунарга ўргатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилаётгани, бандлик дастурлари асосида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан бу борада қатор ишлар қилинаётгани, чунончи, самарали халқаро ҳамкорлик алоқалари олиб борилаётгани ўзининг амалий натижаларини бераяпти.

Ўтган йили Тошкент шаҳрида Жанубий Корея билан “Ўзбекистонда касб-ҳунарга ўргатиш имкониятларини ривожлантириш” лойиҳаси бўйича келишув доирасида ташкил этилган Касб-ҳунарга ўқитиш маркази фаолияти бунга мисол бўла олади.

— Муассасамизда машинасозлик йўналишида мутахассислар тайёрланади, — дейди марказ директори Равшан Иброҳимов. — Токарлик, фрезерчилик, металлни қайта ишлаш бўйича устачиликка ўргатамиз. Айни чоғда электроника, электротехника, автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот тизимлари ҳамда технологиялари бўйича билим ва кўникмалар берилади. Таълим олиш даври ўн ой бўлиб, шундан олти ойи касб-ҳунарга тайёрлаш ҳамда тўрт ойи корхоналарда амалиёт ўташ муддати ҳисобланади.

360 кишига мўлжалланган ушбу даргоҳда барча шарт-шароит мавжуд. Назарий дарслар зарур ўқув-техника жиҳозлари билан тўла таъминланган “минилабораториялар” ҳамда махсус хоналарда ўтказилади. Ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарига эса илғор токарлик, пардозлайдиган, фрезерлаш дастгоҳлари ўрнатилган. Қўшни хонадан автомобиль двигатели овози эшитилади. Бу ерда ўқувчилар автомобилларнинг ҳар бир деталини синчиклаб ўрганадилар. Шунингдек, автоустахона автомобилларнинг кондиционер тизими диагностикаси ва унга техник хизмат кўрсатиш учун зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган.



Бахтиёр АКРАМОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ҳудудлардан келган ёшларга ҳам барча қулайликлар яратилган. Жумладан, 100 кишилик ётоқхона уларнинг хизматида. Бундан ташқари, ўқувчиларга олти ой ўқиш даврида стипендия берилади. Ўқишга эса танлов асосида қабул қилинади.

Айни пайтга келиб ўқитиш марказида 580 нафарга яқин навқирон ёшлар касб-ҳунар тайёргарлигидан ўтди. Улар юртимиздаги йирик ишлаб чиқариш субъектларида ҳамда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзларига билдирилган ишончни оқлаб келмоқдалар.

— Дастлаб марказ таълим муассасаси бўлиши назарда тутилган эди, — дейди Р. Иброҳимов. — Жорий йилдан эса республикамиздаги йирик корхоналар билан уларга зарур мутахассисларни тайёрлаб бериш бўйича шартномалар тузилди. Шу асосда марказда ўқишни бошлаган ҳар бир шахс ўз йўналишини танлар экан, истиқболда қаерда ишлашини ҳам аниқ билади. Ўз навбатида, мунтазам ўтказиб келинаётган очиқ эшиклар куни ва бўш иш ўринлари ярмаркалари битирувчиларнинг иш танлаш имкониятларини ошираяпти. Бу каби марказлар сонини бештага етказиш мўлжалланмоқда. Яқин келажакда улар Самарқанд, Шаҳрисабз, Урганч шаҳарлари ҳамда Фарғона водийсида иш бошлайди.

Мухтасар айтганда, муассаса жамоаси “Малака ва маҳорат — ёрқин келажакнинг муҳим таянчи” тамойилини ўз фаолиятида устувор, деб билади. Ана шундай эзгу шиор асосида олинган билим ва кўникма эса ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, ҳаёт фаровонлигини юксалтиришида айни муддаодир.

**С. МАХСУМОВ.**

# Энг намунали касаба уюшмалари аниқланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Касаба уюшмаларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг энг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган бу танлов фаолиятимиз самарадорлигини оширишда қўл келмоқда, — дейди 1-ўрин совриндори, “Ўзметкомбинат” ОАЖ бошланғич ташкилоти раиси И. Қурбонов. — Зеро, ушбу кўрик жараёнида намунали касаба уюшмаларининг ходимлар манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, маданий-маърифий ва соғломлаштириш йўналишлари бўйича тўплаган бой тажрибаси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик. Кўрик ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг янги иш ўринларини ташкил этиш ва жамоа шартномаларини тузиш борасида эришган ютуқлари ҳам ўрганилди. Корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжаликлар ишини йўлга қўйиш, ходимларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасидаги фаолиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мусобақада ғолиб бўлганимиздан мамнунмиз. Айни чоғда бу зиммамизга катта масъулият юклайди.

Якунда кўрик-танловнинг саноат ва ижтимоий соҳа йўналишлари бўйича ҳамда номинация ва рағбатлантирувчи ўринлар ғолиблари аниқланди. Уларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбир доирасида фаол касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидан ҳикоя қилувчи кўргазма ҳам уюштирилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

*Республикамизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Бу борада қабул қилинган қонунларнинг амалдаги ижроси, шубҳасиз, мамлакатни ривожлантириш билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга ҳам хизмат қилади.*

# Ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси

### аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалик ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорининг ҳудуддаги ижросини ўрганиш ва таҳлил этиш жараёнида амин бўлдикки, бу борада вилоятда аниқ чора-тадбирлар амалга оширилган. Мисол учун, 2012 йил давомида 20 та корхонада 40 га яқин лойиҳа бўйича 511,9 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқарилишига эришилган. Доимий комиссия йиғилишларида ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш учун мутасадди ташкилотларга тегишли тавсиялар берилди, тадбиркорлар, саноат корхоналари раҳбарлари иштирокида семинар-йиғилишлар ўтказилди.

Шунингдек, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ўрганилганида, бу борада айрим муаммолар борлиги кўзга ташланди. Жойлардаги бундай камчиликларни бартараф этиш бўйича шаҳар ва туманлар ҳокимликлари олдида турган вазифалар белгилаб берилди.

Аёнки, ривожланган давлатларда тадбиркорлик равнақи, улар ўртасида кооперацион алоқаларни кучайтириш каби масалаларда Савдо-саноат палаталари муҳим ўринни эгаллайди. Юртимизда ҳам бунинг учун кенг имкониятлар ҳамда етарли ҳуқуқий асос яратилган. Бироқ ўрганишлар давомида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Пайариқ, Пахтачи туманларидаги иши қониқарли эмаслиги маълум бўлди. Туман ҳокимларининг иқтисодиёт, ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, тегишли соҳа вакиллари ва тадбиркорлар иштирокида ташкил этилган семинарда ушбу масала кенг муҳокама қилинди. Савдо-саноат палатаси фаолиятини туманларда жонлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Доимий комиссиямиз томонидан яна бир муҳим масала — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг Самарқанд ва Оқдарё туманларидаги ижроси ўрганилиб, натижалари халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинди.

Сессияда иккала туманда ҳам ушбу Кодекснинг асосий талаблари, хусусан, аҳоли учун уй-жойлар қурилишини тўғри лойиҳалаштириш, ноқонуний қурилишлар олдини олиш, мавжуд уй-жойларни бошқариш, уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш борасидаги ишлар муҳокама қилинди. Таҳлилларда мутасадди ташкилот вакиллари Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси талабларидан тўла хабардор эмаслиги, айниқса, маҳаллаларда ушбу Кодекс моҳияти ва талаблари юзасидан тарғибот ишлари етарлича олиб борилмагани, халқ депутатлари туман Кенгашлари сессиялари ва доимий комиссиялари мажлисларида кейинги икки йил ичида бу масала муҳокама этилмагани аён бўлди. Шунингдек, кўп қаватли уйларда уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш ва таъмирлаш учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилмаган. Бу борада ҳам аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Шу ўринда тадбиркорларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмасини ошириб бориш соҳани ривожлантиришда муҳим омил эканини қайд этиш жоиз. Доимий комиссиямиз аъзоларининг оммавий ахборот воситаларида фаол қатнашиши бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизни кенгайтирмоқда. Бундан ташқари, жойларда аҳоли билан учрашувлар ташкил этилаётир. Учрашувларда фуқаролар мурожаатлари асосида ҳудудлардаги мавжуд муаммолар атрофлича ўрганилаётгани эътиборга молик. Мисол учун, учрашувларнинг бирида Самарқанд туманининг Равонак маҳалласи ҳудудидан ўтган “Тошкент — Термиз” ҳамда “Самарқанд — Қарши” магистралларини бирлаштирувчи туман йўл қурилиш бошқармасига қарашли 6 километр йўл таъмирталаб бўлиб қолганлиги тўғрисида айтилган эди. Бу масала ҳам комиссиямиз йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Натижада “Самарқандавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти маъмуриятига юборилган депутатлик сўровига асосан, ушбу йўлда дастлаб жорий таъмирлаш, кейинчалик эса мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Мухтасар айтганда, бугун доимий комиссиямиз саъй-ҳаракати билан жойларда қонунлар, давлат дастурлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси изчил таъминланмоқда. Шубҳасиз, бундай самарали фаолият фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, пировардида ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**Ўктам САИДМУРОДОВ,**
**халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалик ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.**

# БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

### солиқ тўловчиларга кенг имконият ва қулай шароит яратмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Семинарда шулар ҳақида сўз юритилиб, унинг иштирокчиларига “БЭМ” ва “Солиқ инфо” дастурларидан фойдаланиш имконияти ҳамда қулайликлари борасида батафсил маълумотлар берилди.

“БЭМ” дастури мутахассисларининг айтишича, ушбу ишланма нафақат солиқ ва молиявий ҳисоботларни жўнатиш, балки уларнинг ўзига хос жиҳатларини, масалан, бир солиқ турининг бошқасига боғланган ҳолда ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган тарзда шакллантириш имконини яратиб беради. “Солиқ инфо” дастури ҳам шу каби афзалликларга эга. Яъни унинг ёрдамида солиқ ва молиявий ҳисоботлардан ташқари, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари реестрларини Халқ банкига жўнатиш мумкин.

Тадбирда электрон солиқ ҳисоботини шакллантиришда юзага келадиган айрим ҳолатлар ва кўп тармоқли корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам тушунтиришлар берилди.

Ҳозирги кунда солиқ органлари томонидан 31 интерактив хизмат тури жорий қилинган бўлиб, улар солиқ тўловчиларга мазкур соҳадаги масалаларни ҳал этишда кенг имконият ва қулай шароит яратиш йўлида хизмат қилмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Енгил саноат истиқболи

*Тошкент вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида енгил саноат тизимида 40 дан ортиқ лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши қишлоқ жойларда қарийб 2 мингта иш ўрни вужудга келишига замин яратди.*

## ИНТИЛИШ

Қуйи Чирчиқ туманида иш бошлаган “Ece textile” хорижий корхонаси — ана шулардан бири. Лойиҳа қиймати 240 минг АҚШ долларилик мазкур корхона илғор ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ойига 120 минг дона тикувчилик маҳсулоти тайёрлаш қувватига эга.

— Талаб ва эҳтиёжга қараб, асосан, спорт кийимлари тикаяпмиз, — дейди корхона чеварларидан бири Дилафрўз Раҳмонова. — Маҳсулотларимиз экспортга ҳам чиқарилаётир. Биласиз, хориж бозорида рақобат катта. Шу боис ҳар биримиз ўз ишимизга қунт ва масъулият билан ёндашишга интилаяпмиз.

Эътиборлиси, айни вақтда 100 кишининг бандлиги таъминланган мазкур корхона таъсисчилари иш ўринларини камида икки баробар ошириш ниятидалар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

*Франциянинг “Carrefour” супермаркетлар тармоғи кўчмас мулклар бизнеси билан шуғулланувчи “Klepierre” компаниясига 127 та ўзига тегишли бинони сотиш таклифи билан чиқди.*

## Хатосини тўғриламоқчи

Бу иншоотлар Франция, Испания ва Италия мамлакатларида жойлашган бўлиб, харидор улар учун икки миллиард евро миқдорида маблағ беришни маълум қилган.

Экспертларнинг фикрича, “Carrefour” шу йўл орқали ўзининг ўтган йилги хатосини тузатишни мўлжалламоқда. Негаки, супермаркетлар тармоғи ўшанда паст рентабелли 150 савдо мажмуасини “Klepierre”га сотиб юборганди.

“Carrefour” янги бинолар эвазига ўзининг умумий савдо ҳудудини 800 минг метр квадратга етказишни режалаштирмоқда.

## Юқори кўрсаткич

*Жаҳонга машҳур “Ford” (АҚШ) автомобилсозлик компанияси яқин келажакда яна учта янги заводни ишга туширмоқчи.*



Уларнинг иккитаси Осиё, биттаси эса Жанубий Америка мамлакатларида очилади. Янги корхоналар ҳисобига “Ford”нинг ишчилар сони эса ўн бир минг кишига кўпаяди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Компания келгуси йили жаҳон автомобиль бозорига 23 та русумини чиқаришни режалаштирмоқда. Бу “Ford”нинг 110 йиллик тарихидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Компания ушбу чора-тадбирлар орқали йилига олти миллион дона машина йиғишни мўлжаллаган. Шундан 1,1 миллионтасини мазкур савдо белгиси остидаги энг харидоргир машина — “Ford Focus” ташкил этади.

## Кескин кўтарилиш

*Иссиқ куртка ва спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи “Moncler” компаниясининг акциялари бирданига қирқ фоиз қимматлашди, дейилади “Евроньюс” телеканали тарқатган хабарда.*



Изоҳланишича, корхона йилни яхши даромад билан якунлаши кутилмоқда. Яъни унинг даромади жорий йилда 16, келаси йилда эса 18 фоиз ошиб, 671 миллион еврони ташкил этади. Бу эса бевосита унинг қимматли қоғозлар бозоридаги мавқеини оширган.

Ушбу компанияга 1952 йилда асос солинган бўлиб, ўшанда у тоғ чанғичилари учун мўлжалланган спорт курткалари ишлаб чиқаришни бошлаган эди.

## Шов-шувга сабаб бўлди

*Италиянинг Чивитавеккья шаҳридаги ресторанларда дельфин гўштидан тайёрланган таомлар сотилаётгани аниқланди.*



Манбага қараганда, бу ҳолат шов-шувга сабаб бўлган. Чунки Италияда дельфин гўштини истеъмол қилиш тақиқланади.

Бундай таомлар сотилаётган жойларни “Italia 1” телеканали мухбири аниқлаган ва у яширин камералар орқали олган тасвирларини ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдим этган.

Аниқланишича, Римда бир килограмм дельфин гўштининг баҳоси 900 еврога яқин экан. Аслида унинг сотилиши ман қилинган бўлса-да, ресторанлар эгалари балиқчиларга худди шу нархда ҳақ тўлаб келишган.

Бу эса балиқчиларнинг дельфинларни ноқонуний овлашига сабаб бўлиши мумкин. Аслида, Италия қонунларида балиқчилар тузоққа тушган дельфинларни қирғоқ хизмати ходимларига топшириши белгилаб қўйилган.

Воқеа юзасидан тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


## «Respublika mulk markazi» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

***Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш марказининг 2013 йил 6 декабрдаги 28-05-305/11-сонли буюртманомасига асосан, марказга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 15-уйда сақланаётган, «Damas» русумли, давлат рақами 01/347UCA бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.***

***Бошланғич баҳоси — 15 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 20 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 17 январь куни соат 18.00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 20 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 27 январь ва 3 февраль кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш 2014 йил 27 январдаги такрорий савдо учун — 24 январь куни соат 18.00, 3 февралдаги савдолар учун — 31 январь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz**

***Гувоҳнома № 006231.***

2081А/1452



## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

*Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:*

**1.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 10 июндаги 16855-56/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 10-квартал, 18-уй, 36-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 105 706 744 сўм.***

*Аукцион савдоси 2014 йил 3 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

**2.** Учтепа тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 сентябрдаги 42339/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа 9-берк кўчасида жойлашган бино.

***Бошланғич баҳоси — 613 551 501 сўм.***

*Аукцион савдоси 2014 йил 17 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Юқоридаги мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон.
Телефон: (8-371) 212-89-55.**

***Лицензия: RR-0052.***

2083А/380



## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

*2014 йил 3 январь куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Қорақалпоғистон Республикаси, Тахтакўпир тумани ЖИБ судининг 2012 йил 12 июндаги 618, 623, 626, 627, 628, 629, 636 ва 638-сонли ижро варақаларига асосан, Кегейли тумани СИБ томонидан хатланган, Кегейли тумани «Халкабад мамыгы» АЖда вақтинча сақланаётган:*

- «СЗУ-3.6» русумли дон сеялкаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 705 926 сўм.***

- «ВТ-150» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 15 498 945 сўм.***

- Пахта сеялкаси.

***Бошланғич баҳоси — 960 315 сўм.***

- «ОКМ» русумли культиватор.

***Бошланғич баҳоси — 1 562 437 сўм.***

- «ДЭЛ» русумли ғалла ўриш ускунаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 705 926 сўм.***

- «РМИ» русумли ускуна.

***Бошланғич баҳоси — 708 943 сўм.***

- «ОБХ» русумли ускуна.

***Бошланғич баҳоси — 2 610 439 сўм.***

Кегейли тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2121» русумли автомашина, давлат рақами 23 Е 8047.

***Бошланғич баҳоси — 2 391 485 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Олий судининг 2012 йил 27 ноябрдаги 328-О/Х-12, 329-О/Х-12, 330-О/Х-12 ва 332-О/Х-12-сонли ижро варақаларига асосан, Хўжайли тумани СИБ томонидан хатланган, Хўжайли тумани, «Сарышунгул» ОФЙда вақтинча сақланаётган:

- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Беларусь 80Х» русумли трактор, давлат рақами НЕ 56-65.

***Бошланғич баҳоси — 17 189 832 сўм.***

- 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Беларусь 82.1» русумли трактор, давлат рақами НЕ 56-80.

***Бошланғич баҳоси — 20 627 564 сўм.***

- 2011 йилда ишлаб чиқарилган, погрузчик «XCMG» русумли трактор (Хитой), давлат рақами НЕ 56-81.

***Бошланғич баҳоси — 76 527 504 сўм.***

- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-54329» русумли автомашина, давлат рақами 95 199 НАА.

***Бошланғич баҳоси — 18 904 632 сўм.***

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2014 йил 20 январь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2014 йил 20 январь куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

- ЖИБ Қўнғирот тумани судининг 2013 йил 26 сентябрдаги 186-сонли ижро варақасига асосан, Нукус шаҳри, Беруний ва Шуманай туманлари СИБ томонидан хатланган, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБда вақтинча сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, «MERCEDES BENZ D.3 C200» русумли автомашина, давлат рақами GCC 604.

***Бошланғич баҳоси — 22 500 000 сўм.***

*Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2009 йил 13 июлдаги 23-0905-3933-сонли ва 2013 йил 10 июндаги ижро варақаларига асосан хатланган, Беруний тумани, «Шаббоз» ОФЙда ва Шуманай тумани «Бегжап» ОФЙда вақтинча сақланаётган:*

- 1979 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-5204» русумли автомашина, давлат рақами 95 902 САА.

***Бошланғич баҳоси — 375 000 сўм.***

- 1974 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-53Б» русумли автомашина, давлат рақами 05-10 КПГ.

***Бошланғич баҳоси — 617 000 сўм.***

- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ТМ 630 кВа» русумли трансформатор тўплами.

***Бошланғич баҳоси — 26 712 000 сўм.***

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2014 йил 4 февраль куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 3 январь кунидаги савдога — 2013 йил 30 декабрь, 2014 йил 20 январь кунидаги савдога — 17 январь ва 4 февраль кунидаги савдога — 31 январь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Турон» банки Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

***Гувоҳнома № 004059.***

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:
Нукус шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона.
Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.**

2084А/870



**● Реклама ва эълонлар ●**

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Наманган вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 19 ноябрдаги 16-1203/11797-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган тумани «Ирвадон» ҚФЙда жойлашган, «Рислик савдо сервис» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 706,35 кв.м., қурилиш ости майдони 297,7 кв.м. бўлган 2 қаватли бино ва иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 574 573 335 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 21 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 17 январь куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2007 йил 4 майдаги 16-0604/5912-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 97-уйда жойлашган, «Наманганагромаш» АЖга тегишли, «Наманган тажриба заводи» бино ва иншоотларининг режа бўйича 6, 7, 8-литерлардаги цех бинолари, 10-литердаги бостирма (навес) ва 15-литердаги бинолар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 255 668 152 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 8 октябрдаги 16-1204/9860-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, 1-кичик туман, Спортчилар кўчасида жойлашган, «Феруза Ҳамроҳ савдо» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 108,68 кв.м., қурилиш ости майдони 139,27 кв.м. бўлган ошхона ва офис бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 90 087 303 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2010 йил 5 июлдаги 16-1004/5021 сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Қўқон кўчасида жойлашган, Наманган тумани «Бош пиллахона» МЧЖга тегишли, фойдаланишдаги умумий ер майдони 1,34 гектар, қурилиш ости майдони 5626,58 кв.м. бўлган «Бош пиллахона» бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 539 824 800 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 7 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 3 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

2080А/1453



## «Urganch Parranda Invest» МЧЖ

**бройлер жўжа гўшти ишлаб чиқаришда ишлатиладиган қуйидаги маҳсулотларни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади:**

- **РОСС-308 наслли бройлер тухуми;**
- **РОСС-308 наслли бройлер бир кунлик жўжалари;**
- **маккажўхори дони;**
- **буғдой;**
- **соя шроти;**
- **ўсимлик ёғи.**

**Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.**

**Таклифларни мувофиқлик сертификати билан 2013 йил 25 декабрга қадар қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Хоразм вилояти, Урганч тумани, Чоткўпир қишлоғи, «Urganch Parranda Invest» МЧЖ. Факс: (8-362) 353-61-66.**

**Электрон почта манзили: UPI2010@mail.ru**

2086А/1197









**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz


Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси жамоаси гинекология бўлими мудири Муяссар Назировага волидаи муҳтарамаси

**Эркиной ая АСИЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Спорт

***Истанбул шаҳрида кураш бўйича катталар ўртасида IX жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.***

## Қизиқарли баҳслар, ажойиб натижалар

Мусобақада мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, АҚШ, Греция, Украина, Грузия, Арманистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой Тайпейи, Вьетнам, Эрон, Исроил, Мўғулистон, Ҳиндистон, Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон сингари элликдан ортиқ мамлакатдан 400 нафарга яқин спортчи ўн беш вазн тоифасида медаллар учун кураш олиб борди.

Жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Суҳроб Худойбердиев 66 кг. вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди. Полвонларимиздан Бектош Сафаров кумуш, Зафар Бўриев ва Муҳсин Ҳисомиддинов бронза медали билан тақдирланди.

Хотин-қизлар баҳсида Шоҳида Назарова, Мафтуна Эсонова иккинчи, Нодира Гулова ва Дилфуза Темирова учинчи натижани қайд этди.

## Халқаро турнирлардаги муваффақият

***Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоалари аъзолари Литва ва Қозоғистонда ташкил этилган халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашишди.***

Хусусан, Литвада ўтказилган мусобақада мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси аъзолари — Жонибек Отабеков олтин, Беҳзод Акбаров кумуш, Ислом Баҳромов, Собир Қозоқбоев, Данил Морозов ва Бахтиёр Исоқов бронза медалини қўлга киритди.

Қозоғистонда ўтган халқаро турнирда эса ҳамюртларимиздан Бесики Салдадзе кумуш, Фаррух Абдураҳмонов ва Бобур Зайлобиддинов бронза медалига сазовор бўлди.

## Шахматчимиз совриндор

***Малайзияда шахмат бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳамюртимиз Андрей Квон иккинчи ўринни қўлга киритди.***

Дунёнинг ўн етти давлатидан келган 117 нафар спортчи ўзаро беллашган мазкур мусобақада тажрибали шахматчимиз тўққиз партиянинг бештасида ғалаба қозониб, тўрт турда дуранг ўйнади.

Ушбу спорт тури бўйича Англияда ташкил этилган “London Chess Classic FIDE Open” анъанавий халқаро турнирида эса ёш шахматчимиз Жаҳонгир Воҳидов кучли рақибларига қарши муносиб баҳс олиб борди. Қирқ давлатдан икки юз нафарга яқин спортчи қатнашган мусобақада ҳамюртимиз тўққиз имкониятдан 6,5 очко жамғарди. Эътиборли жиҳати, Жаҳонгир ёш бўлишига қарамай, турнир давомида икки гроссмейстерни мағлубиятга учратиб, яна бир нафари билан дуранг ўйнади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## «Камалак юлдузлари»

*“Камолот” ЁИҲ қошидаги “Камалак” болалар ташкилоти томонидан ўтказилаётган “Камалак юлдузлари” фестивали минтақавий босқичи Навоий вилоятида кўтаринки руҳда ташкил этилди.*

ФЕСТИВАЛЬ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ҳамда мезбон вилоят ёшларидан иборат саралаш босқичларида ғолибликни қўлга киритган 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 332 нафар ўғил-қиз олтита йўналиш бўйича ўз иқтидор ва қобилиятларини намойиш этишди.

Асосий тадбирлар Навоий шаҳридаги “Фарҳод” ва “Ширин” маданият саройлари, 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда “Ёшлар маркази”да бўлиб ўтди.

— Танловда фаол иштирок этиб, тасвирий ва амалий санъат йўналишида ғолибликни қўлга киритганимдан бахтиёрман, — дейди хоразмлик иштирокчи Зилола Аминбоева. — Менда шаҳар марказида жойлашган “Ёшлар маркази”, ундаги турли тўгаракларга мунтазам қатнаётган тенгдошларимнинг интилиш ва изланишлари ўзгача таассурот қолдирди.

Якунда гала-концерт уюштирилиб, ғолибларга диплом ва сертификатлар топширилди.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




# Менинг шаҳрим

*Болалигимда Бахтни уйғоқ шаҳар дейишса, ҳайрон бўлар эдим. Улғайгач билдимки, бу гап бежиз айтилмаган экан. Чунки шаҳримиз катта чорраҳа бўйида жойлашган. Уни темир йўл ҳамда “Тошкент — Термиз” йўналишидаги трасса ва Сирдарё вилоятининг бир неча туманларини туташтирувчи автомобиль йўллари кесиб ўтади. Шунданми, бу ерда кечаю кундуз ҳаёт қайнайди.*

## БАХТНИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ




Шаҳарнинг ҳудуди унчалик катта эмас. Аҳолиси ҳам, борйўғи, ўн уч минг нафар. Лекин у катта шаҳарлар қиёфасини эслатади. Остонасидаёқ бу улуғворликка гувоҳ бўласиз. Дейлик, поезддан тушишингиз билан муҳташам “Бахт” вокзалига рўбарў келасиз. Ҳудуднинг ўзига хос дарвозасига айланган ушбу иншоот сўнгги йилларда қурилган. Бу ерда йўловчилар учун барча қулайлик мавжуд. Вокзалдан ўтиб, ораста, обод ва озода манзиллар орқали шаҳарга кирасиз: бир ёнда кўп қаватли тураржойлар, муҳташам таълим масканлари, бошқа томонда сўлим ва салқин оромгоҳу боғ-роғлар...

Дарвоқе, айни пайтда Бахтда ўндан зиёд корхона фаолият юритмоқда. “Бахттекс-фарм” — шулардан бири. У жорий йилнинг кўкламида ишга туширилди. Ўтган ёзнинг адоғида вилоятимизнинг бир гуруҳ оқсоқоллари корхонани кўргани келишибди. Бахтликларнинг айтишича, нуронийлар бу ердаги иш жараёнларидан ҳайратланиб, уни ташкил қилганларга кўп тасаннолар айтишибди. Тўғри-да, корхона аҳли тайёрлаётган тиббиёт воситалари сифати хорижникидан қолишмайди. Хом ашёси — ўзимизнинг пахтадан. Ҳадемай, жамоа аъзолари сони 1000 нафардан ошар экан. Энди ундан узоқ бўлмаган жойдаги “Бектекс” корхонасини кўрайлик. “Бектекс”нинг ҳам дастгоҳлари замонавий, ишлаб чиқараётган футболка ва бошқа маҳсулотлари харидоргир. Умуман, ҳисоблаб кўрилса, шаҳар аҳлининг саноат асосида тайёрлаётган маҳсулотлари тури 70 тадан ошади. Агар Бахт кўчаларида ёнига қайсидир корхона номи ёзилган автобусларни учратсангиз, билингки, одамлар ишдан қайтишаяпти ёки ишга келишаяпти. Йўловчиларнинг аксарияти яқин йиллар ичида касб-ҳунар коллежларини тугатиб, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган ёшлардир. Шу маънода, Бахтда улғаяётган ўғил-қизларни чинакамига бахтиёр фарзандлар, деса бўлади. Чунки ҳудудда уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Масалан, Бахт енгил саноат коллежида вилоятдаги енгил саноат корхоналари учун малакали мутахассислар тайёрланади. Мусиқа ва санъат мактабида эса истеъдодли ёшлар камол топмоқда. Шунингдек, 3 та умумтаълим мактаби ва 4 та мактабгача таълим муассасасидаги қулайликлар ҳам ҳавас қилгулик. Келинг, яхшиси, сизни 14-умумтаълим мактаби билан таништирай. Яқинда унинг биноси тубдан реконструкция қилинди. Шунинг ўзига ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланибди. Ҳадемай, бу ерга энг илғор ўқув жиҳозларини келтириш чоралари кўрилаётган экан. Спорт зали, стадион, кутубхона — ёшлар ихтиёрида. Муҳими, ўқувчиларнинг зеҳни ўткир. Хусусан, тўққизинчи синфда таҳсил олаётган Дониёр Жуманов миллий кураш бўйича вилоят миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келаяпти. Сабоҳат Мирвалиева ўз ижод намуналари билан “Зулфияхоним қизлари” кўрик-танловининг вилоят босқичида шеърият ихлосмандларини ҳайратда қолдирди. 9-синф ўқувчиси Умида Толипова эса айни пайтда чет тили бўйича вилоят ҳокимлиги таъсис этган махсус стипендия соҳибаси. Спортнинг универсал жанг ва кикбоксинг турлари бўйича кўп карра жаҳон чемпиони Алишер Абдуллаев ҳам шу мактабни тамомлаган. Муассаса волейболчилари вилоятда кучли жамоалардан бири сифатида эътироф этиб келинади.

Мактаб остонасидан ҳатлашингиз билан қойил қолмай иложингиз йўқ. Яқиндагина 1-синфга қадам қўйган жажжи болакайлар бир овоздан ўзбекча саломингизга ўзбекча, инглиз тилидагисига эса инглизча жавоб беради. Бу манзарани кўриб, келгусида улардан юртимиз довруғини дунёга таратадиган комил инсонлар етишиб чиқишига ишончингиз ортади.



Мабодо, аввал ҳам Бахтга келган бўлсангиз, ҳозир шаҳар бозорини тополмай адашиб қолишингиз мумкин. Нега десангиз, у “Тошкент — Термиз” автойўлининг шундоққина ёқасига кўчирилди. Жойлашуви ўтган-кетган йўловчиларга ҳам қулай. Энг муҳими, эски савдо мажмуаси атрофига муҳташам иморатлар тушди. Бозор ўрнида эса истироҳат боғи барпо этилаяпти. Қолаверса, бу орқали шаҳардаги тирбандликка барҳам берилди.

Ватанимизнинг қайси шаҳрига борманг, ҳар бирининг ўзига хос совғабоп неъматлари, буюмлари бор. Дейлик, Самарқандга борган киши нонсиз қайтмайди, Марғилондан совғага атлас олишади. Бахт ҳам бундан мустасно эмас. Масалан, шаҳарда миллий тикувчилик буюмлари, темирчилик, ёғоч ҳунармандчилиги билан шуғулланувчи сулолалар кўп. Агар сиз пишиқ-пухта тикилган сувсар телпагини харид қилмоқчи бўлсангиз, марҳамат, Бахтга келинг. Моҳир телпак усталари сизга бу буюмнинг турли нусхаларини таклиф қилишади.

Бахтни сайр қилганда, чойхоналарига ҳам кириб ўтинг. Бу ерда сизга лутф билан узатилган бир пиёла чой — Бахтнинг ўз сувидан, ер остидан олинган. Мутахассисларнинг айтишича, унинг мазаси, шифобахшлиги зилол булоқ сувидан қолишмас экан. Шаҳар аҳлини обиҳаёт билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида янги-янги қудуқлар қазилиб, узатиш тизимлари қурилмоқда.

Эътибор берсангиз, бахтликлар маҳаллаларини ҳам шаҳар номига мос сўзлар билан аташганини билиб оласиз. Тинчлик, Дўстлик, Ёшлик, Баҳор... Қувонарлиси, шаҳар маркази ҳамда кўчаларидаги саранжом-сарищталик ва кўркамлик ана шу маҳаллаларда ҳам давом этади. Умуман, Бахтда ташлаган ҳар бир қадамингизда яратувчанлик, бунёдкорлик, ободлик ва тўкин-сочинликка, фаровонликка дуч келасиз. Ва ана шу илиқ таассуротлардан сўнг “Бахт” сўзининг истиқлол туфайли яшнаб-яшариб бораётган шаҳарга нақадар монанд эканлигини англайсиз.

Бахт ҳақидаги таассуротларимни қоғозга тушираётган чоғимда эшикдан жияним Миржалол кириб келди. Жуда зеҳни ўткир бола, тушмагур. Қоғоздаги ёзувларга бир қур назар ташлади-ю, ўзи таҳсил олаётган мактаб ҳақидаги жумлаларни кўриб, дарров саволга тутди.

— Тоға, ўқитувчимиз айтдилар, мактабимиз шаҳримиздаги энг зўр мактаб экан, шу ростми?!

Жавоби зумда тилимга кўчди:

— Рост!

**Ботир ХОДЖАЕВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё тумани кенгаши раиси.**

# Илғор тажриба ва ҳамкорлик

*Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспортбоп буюмлар турини кўпайтириш борасида кенг имкониятлар эшигини очмоқда.*

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ



Айтайлик, яқин-яқингача косметика воситаларига бўлган эҳтиёж, асосан, хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан таъминланган бўлса, эндиликда бу борада маҳаллий корхоналар пешқадамликни қўлга олди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда гўзаллик индустрияси жадал суръатларда ривожланиб, соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган турфа хилдаги хушрўйлаштирувчи маҳсулотлар бемалол рақобатга киришa олаяпти. Бунга “Èclair Cosmetic” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси фаолияти яққол мисол бўла олади.

Мазкур компания мутахассисларининг айтишича, юртимизда нисбатан янги бўлган саноатнинг ушбу йўналишини ўзлаштириш осон кечгани йўқ. Аввало, Европа ва Осиё мамлакатларининг илғор корхоналари тажрибаси ўрганилиб, ишга юқори малакали мутахассисларнинг жалб этилгани, ишлаб чиқариш цехлари хорижнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланиб, халқаро талабларга жавоб берадиган хом ашёдан фойдаланила бошлангани муваффақиятларнинг муҳим омили бўлаётир.

Шу билан бирга, компания ходимлари Германия, Франция, Англия, Италия ва Украина мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришга бир қатор инновацион лойиҳаларни жорий этишдики, самара узоқ куттирмади: ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан асло қолишмайдиган косметика воситалари тайёрлаш маҳаллийлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда “Èclair” савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни билмайдиган киши деярли йўқ ҳисоби. Негаки, соч ва тери парваришига мўлжалланган ана шу воситалар аллақачон ўз харидорини топиб улгурди. Жумладан, соч учун 28 хил рангдаги крем-бўёқлар, шампунь ва бальзамлар, суюқ совун, қўл, юз, оёқ учун кремлар ва болалар кремлари, гўзаллик салонларига эса, шулар билан бир қаторда, оксидловчи эмульсия ва ялтиратувчи воситалар етказиб берилаётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган косметика воситалари учун хом ашё танлашдан тортиб, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни қадоқлаш ва идишларга жойлаштириш жараёни — буларнинг барчаси доимий назорат остида, — дейди унинг раҳбари Шуҳрат Баҳрамов. — Шу боис маҳсулотларимизнинг сифати юқори бўлиб, инсон саломатлиги учун мутлақо зарарсиз. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, хавфсизлик ва дерматологик кўрсаткичлар бўйича сертификация ташкилотларининг зарур рухсатномаларига эгалигимиз бунинг амалий тасдиғидир. Бинобарин, маҳсулотларимиз асосини дунё бўйича етакчи ҳисобланган “Basf”, “Clariant”, “Evonik”, “Dow Chemical”, “Dow Corning”, “Symrise” компанияларининг юқори сифатли хом ашёлари ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, 32 нафар киши меҳнат қилаётган қўшма корхонанинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, унинг маҳсулотларига бизга қўшни давлатларда ҳам талаб ортаяпти. Уни тўлиқ таъминлаш, қолаверса, экспорт жуғрофиясини Европа мамлакатлари ҳисобига кенгайтириш мақсадида изчил ишлар олиб борилаётир. Шунга мос равишда сочлар учун бўёқлар хилини кўпайтириш, депиляторлар, махсус белгиланган кремлар ва болалар шампунлари, геллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш юзасидан ҳам аллақачон саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Булар тез орада ўз самарасини бериб, ишлаб чиқариш суръатини ошириш, экспорт салмоғини кўпайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**

Реклама ўрнида

Эълон

«Қибрай»
клиник санаторийси
юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.



Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд.
Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.
735АА/444

Республика аҳолиси диққатига!
Сиз ўз маблағингизни тежашни истайсизми?
ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ
«ISUZU» ва «КамАЗ» русумли автотранспорт воситаларини сиқилган ва суюлтирилган газда ишлашга ўтказиш таклифини беради.




Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади.
Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар қўрғони.
Мурожаат учун телефонлар:
(+99893) 549-15-15, (+99898) 121-18-07.
1581А/890

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.15 1 2 3 4 5